



ЯПОН ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

ҲАМИДОВ ХАЙРУЛЛА

PhD, ТДШИ

АБДУРАХИМОВА ДИЁРА

ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. Ушбу мақола япон тилидан ўзбек тилига бадиий таржимада фразеологизмларнинг берилиши муаммоларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда япон тилидаги фразеологик бирликларнинг таржима қилишида қандай усуллар қўлланилгани хусусида сўз боради. Қиёс нуқтаи назаридан айрим ўринларда фразеологик бирликларнинг русча ва туркча муқобилларига ҳам мурожаат қилинади. Ибора-ларнинг маъно нозикликлари, япон халқининг маданияти, миллий ўзи-га хосликларини қанчалик ўзида акс эттириши ва айнан шу жиҳати билан фразеологизмлар таржимаси айрим ҳолларда таржимон учун қийинчиликлар туғдириши эҳтимоллари таъкидланади. Мақолада илгари сурилган айрим асосли таклиф ва мулоҳазалар, чиқарилган илмий хулосалар истиқболда амалга оширилишасан таржима жараёналарида ижодкорларга қўл келиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай бадиий асарда миллий ўзгачаликни намоён этувчи унсурлар талайгина ва уларни таржимада бериш кўпинча бир қатор муаммолар юза-га келишига сабаб бўлади. Уларни бартараф этиш эса таржимондан муаллифга тенг қобилият ва истеъдод талаб қилганлиги боис бунга эришиш йўли осон кечмайди. Буни, асосан, миллийликни ўзида муҳассам этган, халқнинг моддий ва ижтимоий турмуши, урф-одат ва анъаналари, дунёқарашини акс эттирувчи фразеологик бирликлар таржимаси мисолида кўриш мумкин. Чунки фразеологизмларнинг ишончли қайта яратилиши таржимондан алоҳида ёндашув талаб этиши билан бирга уларни асардаги мингларча сўз орасидан ажратиш олиш ва оддий йўл билан бошқа тилга ўгириш мумкин эмас. Ўзбек ва япон тиллари-нинг турли тил оиласига мансублиги, кўпчилик фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш нуқтаи назаридан фарқлиқ касб этиши бадиий асарларни ўгиришда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлиш, фразеологик бирликларнинг этимологияси, асл манбаини чуқур ўрганишни талаб қилади. Ушбу мақолада муаллифлар қўйилган масаланинг айнан шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратадилар.

Таянч сўз ва иборалар: аслият, фразеологизм, лексема, услуб, миллийлик, бадиий таржима, таржимон маҳорати, тўлақонли (адекват) таржима, муқобил (эквивалент).

Аннотация. Данная статья посвящена изучению вопросов передачи фразеологизмов при переводе художественных произведений с японского на узбекский язык. В ней проанализированы фразеологизмы в современном японском языке и объясняются пути и способы их передачи при переводе. С точки зрения сопоставления авторы изредка обращаются к русским и турецким эквивалентам японских и узбекских фразеологизмов. В статье также делается акцент на том, насколько фразеологизмы тонко выражают чувство человека, отражают культуру, национальную самобытность народа, и как они порою порождают трудности при переводе. Высказанные замечания и предложения, научные выводы, сделанные в ходе исследования, будут способствовать повышению качества переводов, которые планируются в перспективе. Как известно, в художественных произведениях имеется множество элементов, представляющие национальные особенности народа, и их перевод всегда вызывает ряд проблем для переводчика. А их преодоление требует, чтобы переводчик был одинаково компетентен и талантлив с автором оригинала. Но добиться этого будет нелегко. Это можно ярко увидеть на примере перевода фразеологизмов, которые отражают материальную и общественную жизнь, самобытность, традиции, обычаи и мировоззрение народа. Поскольку адекватное воссоздание фразеологизмов требует отдельного подхода от пере-

водчика, и невозможно отделить устойчивых единиц языка от тысяч слов в художественном произведении и просто перевести их на другой язык. Тот факт, что узбекский и японский языки принадлежат к разной семье языков, и что большинство фразеологизмов в разных языках имеет различное происхождение, требует от переводчика особую осторожность, тщательное изучения этимологии и источников фразеологизмов. В данной статье авторы обращают внимание именно на эти аспекты проблемы.

Опорные слова и выражения: оригинал, фразеологизм, лексема, стиль, национальное своеобразие, художественный перевод, мастерство переводчика, адекватный перевод, эквивалент.

Abstract. This article is devoted to using phraseologism in translating Japanese fiction book into uzbek language. This article analyses Japanese phrases and discusses methods of translating them. As a comparison Russian and Turkish alternatives of some phrases might be given as well. This article also emphasizes how idiomatic expression can illustrate delicate meaning cultural heritage and uniqueness of nation. Some proposals which have been put forth by the article and scientific deductions might be helpful to effectively translate text in the future. Obviously, there are many elements of cultural uniqueness in all fiction book and this has always caused problems to translator. Solving this problems requires great deal of talent which is not easy to gain. It can be easily seen in phraseological units which represent traditions, social life and customs of one particular nation. Because rebuilding phrases requires not only special approach but also it is not easy to distinguish those phrases from one thousand of other words and translating them into another language comprehensively is very complex process. Since uzbek and Japanese languages have different origins constructions of many phrases have completely different roots and this prioritizes carefulness ethimology of phraseological units and learning source thoroughly. In the following article authors focused to problems of translating aspects of phraseology.

Keywords and expressions: original, phrazeology, lexema, style, specifity, literary translation, skills of translato, adequate translation, equivalent.

Кириш. Таржима – аслиятга олиб борувчи йўлдир. Ўзбекистонда таржимашунослик фанининг асосчиси Ғайбуллоҳ Ас-Салом таъбирига кўра “Таржимани мевали дарахт ниҳолига қиёсласа бўлади. Чунончи, бир заминда ўсиб турган ниҳол бошқа ерга ўтқазилганда кўкариб, мева беради”. Дарҳақиқат, миллатлар орасида бевосита маданий ва маънавий алоқа курули бўлган бадий таржима воситасида дунё халқларининг маънавий бойликлари, кўп асрлик эзгу умидлари, орзу-армонлари, бадий тафаккурлари ва қарашлари мужассам асарлар ўзга тил соҳиби бўлган халқларга етказилади.

Дунё адабиёти намуналарининг маданий ҳаётимизга кириб келиши ва халқларнинг маънавий жиҳатдан яқинлашишида бадий таржиманинг ўрни беқиёсдир. Ёзма таржиманинг ушбу тури умуминсоний маданиятнинг ривожланиши, миллатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим омил ҳисобланади. Албатта, бунда таржималарнинг сифати, савияси, таржимонларнинг билими, тажрибаси ва асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Фразеологик бирликларнинг таржимада ишончли берилиши эса таржима асарларининг сифати ва бадий савиясини белгиловчи омиллардан саналади.

Асарнинг миллий ўзгачалигини намоён этувчи фразеологик бирликларнинг таржимада берилиши фаннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ ҳеч бир тадқиқот мавзуси ушбу бирликларнинг таржимада берилиши муаммосини четлаб ўтмаган. Буни мақола учун танланган мавзу доирасида кўриб чиқилган илмий адабиётларнинг деярли барчасида фразеологизмлар таржимаси муаммоларига



алоҳида эътибор қаратилганидан ҳам билиб олиш мумкин¹. Шунга қарамай, барча муаммолар илмда тўла ечимини топган деб бўлмайди.

Бугунги кунда япон адабиёти намуналарининг ўзбек тилига ва ўзбек адабиётига оид энг сара асарларнинг япон тилига таржима қилиш жараёнида турғун бирикмаларнинг берилиши мавзусини жонли нутқ ва бадиий асарлар мисолида алоҳида кўриб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши билан боғлиқ масалалар имкон доирасида кўриб чиқилган ушбу мақолада илгари сурилган назарий фикрлар япон тилидаги жонли нутқдан олинган мисоллар ва уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари асосида исботлашга ҳаракат қилинди.

Мақолада япон тилида кундалик нутқ ва адабий тилда, баъзи ўринларда аниқ бадиий асарларда қўлланилган фразеологизмларнинг синоним ва вариантлари тўпланиб, имкон доирасида кўриб чиқилди. Японияда чоп этилган луғатлар ҳамда таниқли ўзбек олими, фразеология соҳасининг йирик мутахассиси Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”га асосланган ҳолда таҳлил қилинади². Тадқиқотда таҳлилга тортилган жумлалар япон тилидаги бадиий асарлардан олинди³ ва таржимада берилган муқобил вариантлари билан ўзаро қиёсланиб, фанда маълум уч хил тасниф асосида таҳлил қилинди. Булар: аслият ва таржима матнида шакл ва маъно жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган иборалар; аслият ва таржима матнида шаклан фарқли, маъно жиҳатдан эса бир-бирига муқобил бўлган иборалар ҳамда аслиятда эркин сўз бирикмаси бўлиб, таржимада ибора шаклида ёки аксинча берилган фразеологик бирликлардир.

Мақсад ва вазифалар. Мақоланинг мақсади япон тилидаги миллий ўзгачаликни намоён этувчи фразеологик бирликларнинг таржимада берилиши муаммоларини очиб бериш, илмий адабиётларда фразеологизмлар таржимаси муаммоларига эътибор қаратиш, япон адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида турғун бирикмаларнинг берилиши мавзусини имкон доирасида кўриб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

мақолада баъзи ўринларда аниқ бадиий асарларда қўлланилган фразеологизмларнинг синоним ва вариантлари Японияда ва Ўзбекистонда чоп этилган луғатларга асосланган ҳолда таҳлил қилинди;

тадқиқотда таҳлилга тортилган жумлалар япон тилидаги бадиий асарлардан олиниб, таржимада берилган муқобил вариантлари билан ўзаро қиёсланди;

фанда маълум бўлган аслият ва таржима матнида шакл ва маъно жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган иборалар; аслият ва таржима матнида шаклан фарқли, маъно жиҳатдан

¹ Levij Irji, *Iskusstvo perevoda*, [The art of translation] M., 1974; Lyubimov N., *Perevod – iskusstvo* [Translation is art], M., 1984; Chukovskiy K., *Visokoe iskusstvo: O principax xudojestvennogo perevoda*. [The art of Translation: Kornei Chukovsky's high art] M., 1964; Tabaxyan P. V. *Vossozdanie natsionalnogo svoeobraziya podlinnika v perevode*. [Recreating the national identity of the original in translation] Avtoref. dis... k.f.n. –Leningrad: 1963; Fedorov A. V. *Iskusstvo perevoda i jizn literaturi*. [The Art of Translation and the Life of Literature] –L.: Sov. Pisatel, 1983. – B. 116. Salomov G'. *Tarjima tashvishlari*. [Translation Concerns] –T.: 1983. – B. 190. Muxtarov T. A., *Neperevodimoe v perevode* [Untranslated translation] // “Tarjima masalalari” [Translation issues] (ilmiy maqolalar to'plami) . –T.: 2012; Musaev Q., *Tarjima nazariyasi asoslari* [Fundamentals of translation theory], darslik. –T.: O'zbekiston Respublikasi FA “Fan” nashriyoti, 2005.

² Raxmatullaev Sh. *O'zbek tilining frazeologik lug'ati* [Uzbek Phraseological dictionary], Qomuslar bosh taxriri. – Toshkent, 1992.

³ Kobo Abe, “Qumdagi xotin” [The woman in the Dunes], roman // rus tilidan Vahob Ro'zimatov tarjimasi. – Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1968; Kobo Abe, *Yashik-odam*. // Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1986



эса бир-бирига муқобил бўлган иборалар ҳамда аслиятда эркин сўз бирикмаси бўлиб, таржимада ибора шаклида ёки аксинча берилган фразеологик бириклар аниқланди.

Методлар. Мақола мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёслаш ҳамда семантик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Эришилган натижалар. Фразеологик бирикларнинг таржимада муқобиллар воситасида берилиши. Маълумки, фразеологик бириклар бадиий асарда сўз маъносининг кўчиши, образлилики таъминловчи унсурлар, воқелики акс эттиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бир халқнинг бадиий тафаккури, миллий ўзига хосликлари ўз ифодасини топган фразеологик бирикларнинг аслият тилидан таржима тилига ўгирилиши таржимон учун ўзига яраша қийинчиликлар туғдириши табиий. А.В.Фёдоров “Таржима назариясига кириш” номли асарида бу ҳусусда шундай ёзади: “Фразеология масалалари ва турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий муаммо, таржима амалиёти билан бирга таржима назарияси учун ҳам ғоят муҳимдир. Чунки турли тилларда моддий маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб вазифалари бир-биридан фарқ қилиши, шу туфайли таржима амалиётида жиддий муаммоларни юзага келтириш билан бирга, назарий жиҳатдан ҳам қизиқиш уйғотади”¹. Ўзбек таржимашуноси Қ.Мусаев эса аслият ва таржима тилидаги фразеологизмларнинг ҳар доим ҳам бир-бири ўрнини қоплай олмаслиги ҳусусида қуйидагиларни таъкидлайди: “Асл нусха ва таржима тиллари лисоний имкониятлари одатда ўзаро уйғунлик ҳолатида бўлмаслиги, яъни икки тил сўз ва ибораларининг мазмуни билан эстетик қиймати қатор матний ҳолатларда бир-бирининг ўрнини қоплай олмаслиги талай таржимавий қийинчиликларни юзага келтиради. Бундай ҳолларда ифоданинг бадиий-эстетик қийматини қайта яратиш таржиманинг аслият матнига моддий жиҳатдан эмас, вазифа жиҳатдан монанд келишини тақозо этади”². Тадқиқотчи билдирган мулоҳазадан фразеологик бирикларнинг берилиши таржимадаги жиддий муаммо эканлиги яна бир бор маълум бўлади. Мисол учун ўзбек тилида *кўзлари тўрт бўлиб кутмоқ* фразеологизми турк тилида *dört gözle beklemek* (тўрт кўз билан кутмоқ) шаклидаги аниқ муқобилига эга бўлса, япон тилида 首を長くして待つ [*kubi o nagaku shite matsu*] “бўйнини чўзиб кутмоқ”, 待ち焦がれる [*machi kogareru*] “қаттиқ кутмоқ” (қўшма феъл) ёки унга маънодош бўлган 矢も盾もたまず [*yam o tate mo tamarazu*] “кутавериб тинч тура олмаслик” (яъни, кутавериб тоқати тоқ бўлмоқ) бирикмаси воситасида ифодаланади. Шунингдек, ўзбек тилидаги *севинчдан осмонга учмоқ* фразеологизми ҳам турк тилида *sevinçten göklere uçmak* (севинчдан кўкларга учмоқ) муқобилига эга. Айни маъно япон тилида 欣喜雀躍 [*kinki jaku yaku*] “чумчуқ каби қувончдан сакраш” ўхшатишли бирикмаси ёки 躍り上がる [*odori agaru*] “туриб рақсга тушиши”, “ҳайрат, қувончдан сакраб туриш” эркин бирикмалари орқали ифода этилади. Юқоридаги иборага синоним бўлган “қаттиқ севинмоқ” маъносидаги ўзбекча “терисига (ичига) сиғмаслик” иборасининг (турк тилида *kabına sığmamak* – “идиш (қоп, кийим)га сиғмаслик” муқобилига эга) япон тилидаги эквиваленти 胸が躍る [*tune ga odoru*] “кўнгилнинг рақсга тушиши” дир.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, айрим ҳолларда фразеологизмлар уч тилда деярли бир хил, образли шаклда ифода этилади. Масалан, инсоннинг сир сақлай олмаслиги ўзбек

¹ A.V.Fedorov. Vvedenie v teoriyu perevoda.[Introduction to the theory of translation] – М.: Izdatelstvo literaturi na inostranniy yazik, 1953. – 148 s.

² Musaev Q. Tarjima nazariyasi asoslari [Fundamentals of translation theory], –Т.: O‘zbekiston Respublikasi FA «Fan» nashriyoti, 2005. –В. 11.



тилида “ичида гап турмаслик (ётмаслик)”, турк тилида “ağzi gevşek” (сўзма-сўз: оғзи юмшок, бўш) иборалари орқали ифода этилса, япон тилида “ичида гап турмайдиган” кишига нисбатан □が軽い [kuchi ga karui] “оғзи енгил” тавсифи берилади. Ва охиргиси, ўзбекча “тили маҳкам” фразеологизми турк тилида ağzi çelikli (сўзма-сўз: “оғзи пўлатли”, “оғзи қулфли”), япон тилида □が堅い [kuchi ga katai] “оғзи қаттиқ” муқобилларига эгадир.

Япон тилидаги фразеологик бирликлар ва уларнинг таржимаси қиёсий таҳлил этилганда “аслият ва таржима матнида шакл ва маъно жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган иборалар” гуруҳига оид фразеологизмлар миқдори унчалик катта эмаслиги аниқланди. Мисолларга мурожаат қиламиз:

力なくたるんだ唇から、黄色い唾液といっしょに、添えたうめきがこぼれたした。
(砂漠の女)¹ [Chikara naku tarunda kuchibiru kara, kiroi daeki to issho ni, soeta umeki ga kobore dashita]. Таржимаси: “Чўччайган лабларидан сарғиш сўлак билан биргаликда зорли фарёд учди”². Ўзбекча таржимада қўлланилган “лабларидан зорли фарёд учди” бирикмаси фразеологизм бўлиб, аслият жумласи маъносини тўла қайта ифодалай олган.

Фразеологик бирликлар таржимасининг соф амалий аҳамиятга молик масала эканлиги, бунда юзага келадиган муаммоларни таржимоннинг ўзи иш жараёнида ҳал қилиши кераклиги қўп таъкидланади. Лекин бундай ёндашувни тўғри деб бўлмайди. Чунки фразеологик бирликларни бир тилдан иккинчисига таржима қилиш, уларнинг ишончли муқобилларини топиш масаласини амалий иш дея таржимон зиммасига юклаш фаннинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Мисол тариқасида うめきをこらえ、歯をくいしばり、顔中から汗がぶちになって吹き出してくる。そろそろと、体をまわし、尻のほうから、四つん這いになる。³[umeki o koraete, ha o kuishibari, kaojuu kara ase ga buchi ni natte fukidashite kuru. Sorosoro to, karada o mawashi, shiri no hou kara, yotsunbai ni naru] жумласини оладиган бўлсак, бу ҳам таниқли япон адиби Кобо Абэнинг “Қумдаги хотин” асаридан олинган. Япон тилидан дастлаб рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига таниқли таржимон Ваҳоб Рўзиматов томонидан амалга оширилган асарнинг ўзбекча таржимасидан олинган ушбу парчада “қаттиқ оғрикқа (кўчма маънода қийинчиликка) бардош бермоқ, чидамоқ” маъносидаги 歯をくいしばり (тишини тишига қўймоқ) ва 四つん這いになる (тўрт оёқлаб турмоқ) фразеологизмлари қўлланилган. Мазкур парча ўзбек тилига қуйидагича ўгирилган: “Инграб юбормаслик учун тишини тишига қўйди, юзига тер қалқди. Мана у аста-секин ёнбошига ағдарилиб, тўрт оёқлаб олди: аввал чўккалади, сўнг қўлларини тиради”⁴. Бу ерда инсон руҳиятидаги ўй-кечинмалар, қаҳрамоннинг мушкул вазиятга тушиб қолиши, мавҳум бўлиб қолаётган тақдири, кетма-кет юз бераётган дилхираликлар акс этган. Эътиборли жиҳати шундаки, таҳлил сирасида японча 歯をくいしばり фразеологизмининг ўзбекча муқобили “тишини тишига қўймоқ”, туркчаси “dişlerini sıkma” (тишларини сиқмоқ), бундан ташқари, 四つん這いになる фразеологизмининг ўзбекча муқобили “тўрт оёқлаб турмоқ”, туркчаси “dört ayakta durmak” (тўрт оёқда (тик) турмоқ) эканлиги аниқланди.

¹ Abe Kobo zenshuu16 [Kobo Abe complete works16] [1962.4–1962.11] Tokyo, Shinchousha, 1998, p.184-185.

² Kobo Abe, “Qumdagı xotin” [The woman in the Dunes], roman // rus tilidan Vahob Ro‘zimatov tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1968, 141-b.

³ Abe Kobo zenshuu 16 [Kobo Abe complete works16] [1962.4–1962.11] Tokyo, Shinchousha, 1998, p.238.

⁴ Kobo Abe. «Qumdagı xotin»[The woman in the Dunes]//Rus tilidan Vahob Ro‘zimatov tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti. 1968, 83-bet.



Яна бир мисол 眼を細めて、融けたガラスのようなかげろうの被膜の下で、波うっている砂の壁を目測した。見るたびに多角なっていくようでもある。だが、自然にさからって、緩やかな傾斜を急にしようというもののならともかく、急なものを、ただなだらかにしてやろうというだけだ。 [Me o hosomete, toketa garasu no youna kagerou no himaku no shita de, nami utte iru suna no kabe o mokusoku shita. Miru tabi ni takaku natte iku you de mo aru. Daga, shizen ni sakaratte, yuruyakana keishaku o kyuu ni shiyō to iu no nara tomokaku, kyūuna mono o, tada nadaraka ni shite yarō to iu dakeda.] Ушбу тасвирда асар персонажи Никининг оғир аҳволга тушиб қолгани, шунга қарамай қочиш мақсадидан воз кеча олмаётганлиги ҳақида сўз боради. Тасвир китобхонни персонажнинг ички дунёсини англаш, воқеаларни тез ва тўғри илғашга тайёрлайди. Парчанинг ўзбек тилига таржимаси қуйидагича: “У кўзларини сузиб, худди эриган ойнани эслатувчи юпқа тўр қоплагандек нақшиндор қум деворнинг баландлигини чамалаб кўрди. Унга нечоғлик тикилгани сари шу қадар баланд кўринар эди. Табиатнинг раъйига қарши бориб, қия ёнбағирни тикка қилиши қийин албатта, лекин у тик ёнбағирни қия ёнбағирга айлантирмоқчи холос, вассалом”¹. Аслиятда муаллиф иккита фразеологик бирикма қўллаган: 眼を細めて (сўзма-сўз: кўз қисмоқ, кўзини қисиб қарамоқ) ва 自然にさからって (сўзма-сўз: табиатга қарши бормоқ). Таржимада иккинчи бирикма тўғри берилган, бироқ биринчи ибора таржимаси мунозаралидир. Чунки “кўзларини қисиб қарамоқ”ни “кўзларини сузиб чамалаб кўрди” деб бериш услуб нуқтаи назаридан ғализроқ кўринади. Бундан ташқари, парча таржимасида “нечоғлик”, “вассалом” каби сўзлар ҳам ортиқча қўлланилганга ўхшайди.

Япон тилида ҳам худди бошқа тилларда бўлгани каби фразеологизмларнинг бир қисми инсоннинг ақл-идроки, интеллектуал салоҳияти, эс-хуши ва хотираси билан боғлиқ. Бундай бирликларда кўпинча инсоннинг салбий жиҳатлари, яъни хотира, идрокнинг маълум бир муддатга сустлашуви, ҳаётда муаммоларнинг кўпайиб кетиши туфайли фикрлаш қобилиятининг пасайиши, “жаҳл чиққанда ақл қочиши”, ҳатто “ақлдан озиш” таъкидланади (狂った— ақлдан озмоқ).とつぜん、狂ったように、叫びだす。なんと言えがいいのか分からないので、意味のある言葉にはならない。ただ、声をかぎりに、ありったけの力でわめくのだ。そうすればその悪夢がおどろいて目をさまし、思わぬ失態をわびながら、彼を砂の底から、はじき出してくれるとでもいうように。² [Totsuzen, kurutta youni, sakebidasu. Nanto ieba ii noka wakaranai node, imi no aru kotoba niva naranai. Tada, koe o kagirini, arittekeno chikara de wameku noda. Sou sureba sono akumu ga odorōite me o samasi, omowanu shittai o wabinagara, kare o suna no soko kara, hajikidashite kureru to demo iu youni.] Таржимаси: “Туйқусдан эркак ақлдан озган кишидек бақира бошлади. У қандайдир маъносиз сўзларни айтиб қичқирди. Ўз аламини ифодалаш учун сўз топа олмай жон-жаҳди билан бўқирарди. Бу гўё даҳшатли бир тушу, қичқирсам, гоятда қўпол ҳазили учун кечирим сўраб, мени тарк этади-да, чуқурликдан юқорига улоқтиради, деб ўйларди у”³. Таржимада “ақлдан озмоқ” ва “жон-жаҳди билан бўқирмоқ” турғун бирикма-лари қўлланилган (аслиятда муаллиф қўллаган японча фразеологик бирик-маларининг асл

¹ Kobo Abe. «Qumdagī xotin»[The woman in the Dunes] //Rus tilidan Vahob Roʻzimatov tarjimasi. – Toshkent, Gʻafur Gʻulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti.1968, 46-47 betlar.

² Abe Kobo zenshuu16 [Kobo Abe complete works16] [1962.4–1962.11] Tokyo, Shinchousha, 1998, p.143.

³ Kobo Abe. «Qumdagī xotin»[The woman in the Dunes] //Rus tilidan Vahob Roʻzimatov tarjimasi. – Toshkent, Gʻafur Gʻulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti.1968, 35-bet.



шакли 狂ったように – ақлдан озгандек ва ари ттакеоелде меку – бор кучи билан бақирмоқдир, “бўқирмоқ” эмас).

Фразеологик бирликларни шакллантирган манбалар. Фразеоло-гизмлар таржимаси хусусида сўз борганда ушбу тил бирликларининг илмий тадқиқи уларни шакллантирган манбаларни ўрганишдан бошланиши керак. Халқнинг ҳаёт тарзи, маданияти, ахлоли ўз аксини топган фразеологизмлар-нинг миллий хусусиятини тушуниб, аниқлаштириш уларнинг қай ҳолатда, қандай шароитда ёки нима билан боғлиқ ҳолатда юзага келганлигини белгилашга ёрдам беради. Чунончи, инсон (айрим ҳолларда ҳайвонот дунёси, паррандалар) тана аъзолари номи асосида юзага келган фразеологизмлар (со-матик иборалар) нутқ таъсири кучайтирувчи ва инсонлар томонидан ўзлаштириб олинган, уларнинг онгига сингиб кетган бирликлар сифатида, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Бундай фразеологизмларни шакллантирган асослардан бири инсоннинг тана аъзолари номлари (соматизмлар) воситасида юзага келган. Ўзбек тилида бўлгани каби япон тилида ҳам бундай бирликлар бош, кўл, кўз, оёқ, кулоқ, тил, оғиз, бурун, юрак ва бошқа сўзлар асосий компонент сифатида келади.

“Кўз” лексемаси асосида юзага келган фразеологизмларнинг ўзбекча таржимада берилиши. Юқоридаги айрим мисолларда ҳам гувоҳ бўлингани каби, япон ва ўзбек тилларида ўнлаб соматик фразеологизмлар “кўз” лексемаси асосида юзага келган. Қизиқарли жиҳати шундаки, ушбу бирликларнинг бир қисми инсондаги салбий томонларни образли ифодаб келади ва қисқа шакллари билан бир олам маънони ифода этади: кўз юммоқ, кўз олайтирмоқ, кўзини шамғалат қилмоқ, қош қўяман деб, кўз чиқармоқ, кў-зини ўймоқ, кўзини сузмақ ва б. Масалан, ўзбек тилида (бирининг) кўзларини ўймоқ ибораси “ўч олмақ” маъносида қўлланилади. Шу каби, япон тилида 目でもの言う [me de mono o iu] – “кўзлари билан гапириш” ёки 目にもの言わせる/いわす [me ni mono iwaseru /iwasu/] – “кўзни гапиришга мажбур қилиш” маъ-носида келади. Япон тилида ўзбекчада аниқ муқобили бўлган “кўзига тик қарамоқ” фразеологизми учрайди. Ушбу фразеологизм “суҳбатдошнинг асл ниятини билиб олиш” маъносига эга: 目は口ほどものをいう [me va kuchi hodo mono o iu] деганда сўзма-сўз “кўзлар оғизчалик гапиради” маъноси англашилади. Ўзбек тилида эса “кўзига тик қарамоқ” фразеологизми биров фарқли ва кўп маънолидир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур фразеологизмнинг бир маъноси (кўркмасдан, дадил, тўппа-тўғри, рўйирост)га изоҳ берилиб, қуйидаги мисоллар келтирилган: Унинг [Адолатнинг] бир вақтлар ҳаёдан ки-ишга дадил боқолмаган чиройли кўзларига газаб ва алам тўлган. Энди у ҳам-ма нарсасига тик, дадил боқади (С.Зуннунова, Гулхан). Мастуранинг ўлимнинг юзига бунчалик тик қарагани учун операциянинг натижасини кутмади (А. Қаҳҳор, Минг бир жон)¹. Ушбу фразеологизмга ўхшаш яна бир японча фразеологизм бор. Бу 目は心の鏡 [me va kokoro no kagami] бўлиб, у ўзбекча “кўз – қалб кўзгуси” иборасининг айнан муқобили ҳисобланади.

Кўзнинг асосий вазифаси бўлган “кўриш”, “қараш” ҳаракатларини турли шаклда ифодалаш мумкин. Булардан бири “кўзга ташланмоқ”дир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бунга қуйидаги мисоллар келтирилган: “...узокда чўққилар кўзга ташланар эди” (Ў.Ҳошимов) Ёки “Жой ниҳоятда пинҳона бўлгани учун атрофда бирор кўлик кўзга ташланмайди” (М.Кўшжонов, Дий-дор)². Ш.Раҳматуллаев тузган “Ўзбек тилининг фразео-

¹ О‘zbek tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek], 5 jildli, 4-jild. –Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.

² Ўша асар.



логик луғати”да эса ушбу иборага “1. Рўй-рост, аниқ кўринмоқ; 2. Аниқ ажралиб турмоқ, сезилиб турмоқ” дея изоҳ берилган (мисол: Унинг қоши қоп-қора бўлса ҳам, қорача юзида унча кўзга ташланмайди. П.Қодиров, Уч илдиз)¹. Бу фразеологизмни Кобо Абэнинг “Яшик-одам” асари таржимасида бир неча марта учратамиз. Булардан бири: *それから、何よりも目立つのが、変わり型の靴*。² [*Sore kara, nani yori mo medatsu no ga, kawarigata no kutsu.*] жумласидир. Унда *目立つ* бирикмаси қўлланилган ва у япон тилида фразеологизм ҳисобланмайди. Аммо ўзбек таржимони ушбу феъл шаклини таржимада “кўзга ташланмоқ” ибораси орқали берган: “*Бўжмайган, шаклини йўқотган туфли биринчи бўлиб кўзга ташланади*”³.

Ўзбек тилида “кўз” лексемаси асосида юзага келган “Кўзга ташланмоқ” фразеологизмига яқин бўлган яна бир ибора “кўз ташламоқ”дир: 「...被害 届を書くように迷惑顔で言われたとき、はじめておびえに似たものを感じた...部屋に戻ると、一服して気を静め、いつもなら横目でにらんだだけで済ませていた窓の外を正視した.....逆上した...」⁴. [*...higai todoke o kaku youni meiwakugao de iwareta toki, hajimete obie ni nita mono o kanjita...Haya ni modoru to, ippuku shite ki o sizume, itsumo nara yokome de niranda dake de sumasete ita mado no soto wo seishi shita...gyakujoushita*] Таржимаси: “... «А» биринчи марта кўрқувга ўхшаи алланарсани ҳис қилди... Уйига қайтгач, чекди, ҳовурини босди, илгари деразадан кўрқа-писа мўралайдиган жойига энди бемалол кўз ташлади... «А»нинг миясига қон тепди. Деразаларни ланг очди”⁵. Таржимада *正視した* феъл “кўз ташлади” деб тўғри ўгирилган. Бундан ташқари, жумлада яна бир соматик фразеологизм қўлланилган (“*миясига қон тепмоқ*”). Унинг изоҳи, афсуски, ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам, фразеологик луғатида ҳам берилмаган. Мазкур ҳолат ҳеч бир луғат тилнинг бутун фразеологик захирасини қамраб ола олмаслиги, муаммони ижобий ҳал қилиш таржимоннинг билим, тажриба ва маҳоратига боғлиқ эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

“Кўз ташламоқ” иборасини “Яшик-одам” асаридан олинган яна бир жумлада ҳам учратамиз: *しばらくあたりの様子をうかがってから、窓のカーテンを閉め、彼はおずおずと箱の中に這い込んでみた*⁶. [*Shibaraku atari no yousu o ukagattekara, mado no kaaten o shime, kare wa ozuozu to hako no naka ni haikonde mita*] Таржимаси: “*А*” *хавфсираб атрофга аланг-жаланг кўз ташлади-да, дераза пардаларини тушириб, кўрқа-писа яшикка кирди*”⁷. Аслият жумласидаги *あたりの様子をうかがって* содда гапининг сўзма-сўз таржимаси “У атрофни кузатди” бўлади. Бироқ таржимон (эхтимол, бу русча матннинг таъсири бўлиши мумкин) уни “(атрофга) аланг-жаланг кўз ташлади” шаклида берган. *おずおず* то “кўрқиб-кўрқиб” такрорий бирикмасини ҳам “кўрқа-писа” деб тўғри ўгирган.

¹ Raxmatullaev Sh. O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati [Uzbek Phraseological dictionary], Qomuslar bosh taxriri. – Toshkent, 1992, 132-bet.

² Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24] [1973.3–1974.2] Tokyo、Shinchousha、1999, p.27.

³ Kobo Abe. Yashik-odam. [The Box Man]//Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.1986, 21-bet.

⁴ Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24] [1973.3–1974.2] Tokyo、Shinchousha、1999, p.17.

⁵ Kobo Abe. «Yashik-odam»[The Box Man] //Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.1986, 9-bet.

⁶ Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24] [1973.3–1974.2] Tokyo、Shinchousha、1999, p.19.

⁷ Kobo Abe. Yashik-odam. [The Box Man]//Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.1986, 12-bet.



“Кўз”нинг бажарадиган вазифаси (кўриш, қараш, тикилиш, сузилиш, термулиш ва б.) япон тилида оддий сўзлар (феъл шакллари) орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: 疑問があつたので発言しようとしたら、前の席から課長がしきりに目で物を言っているので差し控えた [*gimon-ga atta node xatsugen shiyo:-to shitara, mae-no seki kara kacho:-ga shikiri-ni me-de mono-o itteiru-no-de sashihikaeta*] – “Менда шубҳа бор эди, шунинг учун ўз фикримни айтмоқчи бўлганимда, рўпарамдаги бўлим мудури менга маъноли қараш қилди ва мен индай олмадим. Аслият жумласидаги 目で物を言っている нинг сўзма-сўз маъноси “кўзлар орқали гапириш”дир.

Яна бир мисол: タバコは三分の一ほどに減っていた。険のある、疲れた眉。白衣のポケットからのぞいている浣腸器。そのゴム管にからめた、細い筋張った指。その指先の、銀のマニキュア」¹. [*Tabako wa san bun no ichi hodo ni hette ita. Ken no aru, tsukareta mayu. Nakui no poketto kara nozoite iru kanchouki. Sono gomukan ni karameta, hosoi sujihattha yubi. Sono yubi saki no, kin no manikyua*] Таржимаси: “Сигаретанинг учдан бир қисми чекилган. Қошлар чимирилган, қовоқлар солиқ. Тирноқлар садафранг бўёққа бўялган...»². Ушбу парчада персонажнинг ташқи киёфаси (жаҳли чиққан ҳолати) чизилган.

Дунёнинг кўпгина тилларида вақтнинг қисқалиги образли тарзда “кўз” лексемаси асосида юзага келган фразеологизмлар воситасида, асосан, кўз-нинг очиб юмилишига қиёсланган ҳолда ифода этилади. Масалан, ўзбек ти-лида “кўз очиб юмгунча” шаклида (вақтнинг қисқалиги кўзнинг очиб юмили-шига тенглаштирилади), турк тилида “*kaşla göz arasında*” (қош билан кўз ора-сида), рус тилида “в мгновение ока”, япон тилида *みるみる* (қараб турганда) орқали ифода этилади: 霧になって降る砂に、女の頭がみるみる白く粉をふく。(砂漠の女)³. [*Kiri ni natte furu suna ni, onna no atama ga mirumiru shiroku kona o fuku*]. Таржимаси: “Кўз очиб юмгунча хотиннинг бошини оппоқ гард қоплади”⁴. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, бир иборанинг шакли ўзгариши уни иборалик хоссаларидан маҳрум қилади, яъни «иборадаги бир тошнинг жойини ўзгартирилиши қувватининг камайиб, заифлашишига сабаб бўлади».⁵ Демак, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келган мустаҳкам синтактик бирикувнинг ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан: юкорида келти-риб ўтилган туркча *kaşla göz arasında* иборасини *kaş ile gözün arasında* деганда бу ибора “кўз очиб юмгунча”, яъни “бир лаҳзада” маъносини йўқотади.

Туркий тилларда “кўз” лексемаси асосида юзага келган яна бир фразеологизм “кўз қамаштирмоқ” дир (ўзб. *кўз қамаштирмоқ*; турк. *göz kamaştırmak*). Ушбу фразеологизм япон тилида фарқли шаклга эга. Бун қуйидаги мисолда кўрамиз: ただでさえ冴えない色の唇を、ほとんど血のが失せるまでに、左右に強くひきのばし、そこだけ見ると、まるで妖怪の形相である。光に、一瞬、またたいたが、すぐまた固く眼を閉じてしまった。⁶ [*Tada de sae saenai iro no kuchibiru o, hotondo chi no iro ga useru madeni, saiyuu ni tsuyoku*

¹ Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24] [1973.3–1974.2] Tokyo、Shunchousha、1999, p.53.

² Kobo Abe. Yashik-odam.[The Box Man] //Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.1986, 46-bet.

³ Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24] [1973.3–1974.2] Tokyo、Shinchousha、1999, p.194.

⁴ Kobo Abe. «Qumdagi xotin»[The woman in the Dunes]//Rus tilidan Vahob Ro’zimatov tarjimasi. – Toshkent, G’afur G’ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti.1968, 91-bet.

⁵ Türk Dünyası El Kitabı [Turkish world handbook] , Üçüncü Cilt. –Ankara, 1992, S. 345

⁶ Abe Kobo zenshuu16 [Kobo Abe complete works16] [1962.4–1962.11] Tokyo、Shinchousha、1998, p.173-176.



hikinobashi, sokodake miru to, marude youkai no keisou de aru. Hikari ni, issyun, matataitaga, sugu mata kataku me o tojite shimatta.] Аслият парчасида муаллиф қўллаган *またたいた* фразеологизми-нинг сўзма-сўз таржимаси “кўзни очиб-юммоқ”, “киприк қоқмоқ”дир. Парча ўзбек тилига “Ўзи аслида қони йўқ лаблари ҳам оппоқ оқариб кетибди, нақ сурагининг ўзи қолибди. Ёруздан кўзлари қамашиб, чирт юмиб олди...”¹ шаклида берилган.

Иборалар орасида баъзи фарқли жиҳатларнинг бўлиши бундай бирликлар шаклланаётганда миллатнинг характери, дунёқараши таъсир этиши билан изоҳланади. Шунинг учун аслият тилида сўзлашувчи халқнинг тарихи, урф-одатлари ва миллий ўзига хосликларидан ташқари, фразеологизмларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш керак. Бу борада таржимашунос Х.Ҳамроев “Башарти фразеологик бирликлар, мақол ва маталларда миллий специфика акс этган бўлса, уларни чет тилидаги муқобили билан алмаштириб бўлмайди, зотан, бу вазиятда колорит ҳам ўзгаради”² деб ёзади. Бу фикр фарқли оиладан бўлган тиллар, жумладан, япон ва ўзбек тиллари орасида амалга оширилган таржималар ҳам тегишлидир.

Аслиятда эркин сўз бирикмаси баъзан таржимада ибора шаклида берилиши мумкин. Бундай ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўрамиз: *ふと、夜明けの色の悲しみが、こみ上げてくる。(砂漠の女 231) [Futo, yoake no iro no kanashimi ga, komiagetekuru]*. Ушбу японча жумла сўзма-сўз ўгирилса, қуйидаги кўринишни олади: “Тонг отар пайтдагидек қизғиш рангдаги қайғу оқиб келарди”. Жумлани рус тилидан ўгирган ўзбек таржимони контекстдан келиб чиққан ҳолда ўзбекчада қуйидагича беради: “*Бирдан эркакнинг қалбини бўзранг тонг тусидек ҳасрат чулғаб олди*”³. Демак таржимон эркин бирикмани фразеологизм (*қалбини ҳасрат чулғаб олмоқ*) воситасида ўгиришни маъқул топган. Бундай мисоллардан яна ўнлаб келтириш мумкин.

Фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш мумкин эмаслиги кўп айтилса-да, буни мезон сифатида қабул қилиш нотўғри. Бундай бирликлар таржима қилинаётганда, уларнинг образли асосига айнан мос келадиган вариантни қидириш маъно ўзгариши ёки силжишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, уларни муқаррар равишда асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан алмаштиришга ортиқча ружу қўйиш ҳам услубнинг сийқалашиши, образнинг хиралашишига олиб келади.

Айтиш жоизки, япон ва ўзбек тиллари орасида таржима жараёнида фразеологик бирликлар образли асосининг сақланишида бир қатор муаммо-ларга дуч келинади. Иккала тилда фразеологизмлар образли асос жиҳатдан фарқли, бир-бирига тўла эквивалент бўлмаса-да, бу икки халқ бадиий тафаккурида қисман ўхшаш жиҳатлар мавжудлиги боис бирликларнинг сўзма-сўз таржимаси кўп ҳолларда муаммо яратади. Бу борада таржимашунос Ғ.Саломов шундай ёзган эди: “Кўчма маъноли бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни образли асослари айнан мувофиқ келадиган бир вариант билангина таржима қилиш баъзан сунъийликка олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам муқаррар равишда бундай бирикма-

¹ Kobo Abe. «Qumdagı xotin»[The woman in the Dunes]/Rus tilidan Vahob Ro‘zimatov tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti. 1968, 69-73bet.

² Hamraev X. Vossozdanie nacionalnogo kolorita proizvedeniy uzbekskoy sovetsskoy prozi vo fransuzskix perevodax: [Recreating the national colors of the works of Uzbek Soviet prose in French] Avtoref....k.f.n. – S.15.

³ Kobo Abe. «Qumdagı xotin»[The woman in the Dunes]/Rus tilidan Vahob Ro‘zimatov tarjimasi. – Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti. 1968, 134-bet.



вазифа жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши, яъни бир-бирига сохта муқобил вариантлар ташкил этиши мумкин.

Энди япон адабининг машхур асаридан яна бир парчани таҳлилга тортиб, ишга ниҳоя ясаймиз: *そのたびに地軸が揺れ、船酔いに似た吐き気にさんざん苦しめられる。箱を疚しく感じたことさえ一度もない。箱はぼくにとって、やっとたどり着いた袋小路どころか、別の世界への出口のような気さえする。何処へかは知らないが、とにかく何処か、別の世界への出口……と言ったものの、小さな覗き窓から外の気配をうかがいながら、ただ吐き気をこらえているのでは、袋小路もそう変わりはない¹。* [So no tabi ni chijiku ga yure, funayoi ni nita hakike ni sanzan kurushimerareu. Hako o nagawazurashiku kanjita koto sae ichidomo nai. Hako wa boku ni totte, yatto tadoritsuita fukurokouji dokoroka, betsu no sekai e no deguchi no youna ki sae suru. Doko e kava shiranai ga, tonikaku dokoka, betsu no sekai e no deguchi... to itta mono no, chiisana nozoki mado kara soto no kehai o ukagainagara, tada hakike o koraete iru no deva, fukurokouji mo sou kawarihanai.] Ушбу мисолдан бир-биридан анча узоқ бўлган икки тил орасида қилинган таржиманинг осон эмаслиги яна бир бор сезилади. Парчанинг ўзбекча таржимаси қуйидагича: “*Ер ўқининг сал қийшайиши ҳам, худди денгиз касаллиги каби кўнгилни беҳузур қилади. Мен ҳали бирор марта ҳам ўз яшигимдан номус қилмаганман. Назаримда, яшик мен сандирақлаб юриб кириб қолган боши берк кўча эмас, у мен учун ўзга бир оламга очилган эшик. Бу эшик қайси оламга очилган, бунини билмайман, ҳар қалай, қандайдир бошқа бир олам деб ўзимни ўзим ишонтираман, ўзим эса беҳузур бўлаётган кўнглим билан олиша-олиша, дарчадан ташқарига боқиб, қандай воқеалар рўй бераётганини кузатаман ва бу бошқа олам менга бари бир ўша боши берк кўча бўлиб кўринади*”². Романдаги “А”нинг ички дунёси чуқур ёрита олган, унинг ташқи қифаси, кўриниши, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гапириш оҳанги маҳорат билан чизган. Парчадаги фразеологик бирликлар таржимасига келсак, *吐き気に苦しめられる* “кўнгли беҳузурликдан қийналмоқ (азият чекмоқ)” турғун бирикмаси “кўнгилни беҳузур қилмоқ”, *疚しく感じたことない* – “уялишни ҳис қилмаслик” бирикмаси “”номус қилмаслик”, *やっとたどり着いた袋小路* “ниҳоят етиб борган берк кўча” бирикмаси “боши берк кўчага кириб қолмоқ” (袋小路 – боши берк кўча), *吐き気* “кўнгилнинг беҳузур бўлиши” бирикмаси “кўнгли беҳузур бўлмоқ” шаклида ишончли ўтирилган.

Япон ва ўзбек тилларидаги айрим фразеологизмлар орасида кўп кузатиладиган ўхшашликларнинг сабаби эса тасодифий бўлиши мумкин. Кўриб чиқилган фразеологизмлар таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, улар юзага келаётганда предметлар, образлар, икки халққа бир хилда таниш, кундалик ҳаётда учрайдиган нарсалар асос қилиб олинган.

Бир тилдаги маънодош бир қанча идиоматик бирикманинг ҳаммасига ҳам ўзбек тилидан муқобил топилмаса (ёки фақат биттагина эквивалент вариант топилса), ўша маънодош бирикмаларнинг ҳаммасини ҳам фақат биттагина ўзбекча вариант билан таржима қилиш нотўғри бўлади.

Хулоса. Фразеологизмлар тилнинг ўзига хос хусусиятлари, табиатини белгиловчи, унинг камолот даражасини намоён этувчи муҳим унсурлар бўлиб, уларни бир тилдан бошқа тилга ўтириш мураккаб жараён ҳисобланади. Уларни таржима қилиш жараёнида эришилган

¹ Abe Kobo zenshuu24 [Kobo Abe complete works24 [1973.3–1974.2] Tokyo, Shinchousha, 1999, p.25.

² Kobo Abe. «Yashik-odam» [The Box Man] // Rus tilidan S. Rahmon tarjimasi. – Toshkent, Gʻafur Gʻulom nomidagi Adabiyot va sanʼat nashriyoti. 1986, 18-bet.



ютуқлар ва йўл қўйилган камчилик, нуқсонлар хусусида сўз юритилган мазкур тадқиқотда миллийликнинг таржимада сақланиши, хусусан, аслият сўзларининг маъно нозикликларининг берилиши билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу бирликларнинг қирралари, келиб чиқиш манбалари, юзага келиш йўллари, лексик-грамматик ва лингвомаданий хусусиятлари билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам имкон доирасида ўрганилди. Тадқиқот жараёнида иборалар сифатида ҳар қандай фразеологик бирикма, яъни мақол, ҳикматли сўз ёки афоризмларни эмас, фақат турғун сўз бирикмалар олинди ва уларнинг аслиятдаги маъноси, шакли ва бадиий таржимада берилган вариантлари қиёсланди. Шу ўринда фразеологизмлар таржимасида баъзи ўринларда йўл қўйилган нуқсонларнинг эса ижодкорларнинг япон халқи ҳаётини етарли даражада тасаввур қила олмаганлиги, таржималарнинг бевосита япон тилидан эмас, рус тили орқали амалга оширилганлиги боис намоён бўлганлигини эътироф этиш керак.

